

**FERGHANA VALLEY IS A GEOGRAPHIC AREA OF NATURAL
RESOURCE USE AND PROTECTION
BASICS.**

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ.**

O.M Kuziboyeva

Kokand State Pedagogical Institute

Azimjanova Shoxista

Student of Andijan State Pedagogical Institute

О.М.Кўзибоева

г.ф.д -Кўкон давлат педагогика институти

Азимжонова Шоҳиста

Андижон давлат педагогика институти

Annotations

Attention is focused on the issues of rational use of natural resources of the Fergana Valley, optimization of the ecological situation, use of river terraces, attention to the principles of development of irrigated agriculture.

Аннотация

Фарғона водийси табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экологик вазиятни оптималлаштириш, дарё терассаларидан фойдаланиш, суғорма деҳқончилиқни ривожлантириш принципларига эътибор бериш масалаларига қаратилган.

Аннотации

Акцентировано внимание на вопросах рационального использования природных ресурсов Ферганской долины, оптимизации экологической обстановки, использования речных террас, внимания к принципам развития орошаемого земледелия.

Key words: ecological situation, optimization, natural resources, geosystems, geoecology, landscape

Калит сўзлар: экологик вазият, оптималлаштириш, табиий ресурслар, геотизмлар, геоэкология, ландшафт

Фарғона водийси қадимдан аҳоли зич яшаб келаётганлиги сабабли экологик вазиятини яхшилаш ва оптималлаштириш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Фарғона водийси табиий ресурслари ва геотизмлардан самарали фойдаланиш, табиий ресурсларни қайта тикловчи янги техника ва технологияларни ишлаб чиқишни ва ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиш қайта тикланадиган ресурслардан оқилона фойдаланишимиз керак.

Геоэкологик муаммоларни бартараф этишда дастлаб кичик ҳудуд доирасида таҳлил қилиш ва олдини олиш чора- тадбирларини ишлаб чиқиш керак.

XX асрнинг иккинчи ярмида, айниқса, XXI асрнинг бошларида табиатни муҳофаза қилишнинг илмий ва амалий ишлар олиб бориш ишлари кенг доирада олиб борилмоқда. Бу даврларда турли фанлараро алоқанинг кучайиши арафасида турли фан тармоқлари, жумладан геоэкология фани вужудга келди ва ривожланди. Шундай қилиб, геоэкологик тадқиқотлар жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, табиий ва маданий ландшафтларни функционал бирлиги асосида қулай экологик муҳитни сақлаш, бойитиш ва оптималлаштиришга қаратилиши лозим.

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида кўплаб олимлар, жумладан Э.Л.Золотарев (1972), В.М.Легостаев (1975), В.А.Анучин (1978), А.И.Печерин (1978), Ю.К.Ефремов (1978), В.С.Преображенский (1985), П.Фуломов (1985; 1990), Т.Г.Рунова (1985; 1987), Н.Ф.Реймерс (1990) А.Рафиқов (1997, 2002) О.Абдуғаниев (2010) А.Назаров (2007) бошқалар томонидан олиб борилган.

Фарғона водийсида суғориладиган ерлардан экстенсив усулда фойдаланишга катта эътибор берилиб, кўпинча табиат қонунларини ҳисобга олмаслик оқибатида табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар тўғри йўлга қўйилмаганлиги кўриниб қолди. Чунки, юзага келган салбий оқибатлар ҳажми водимиз аҳолиси организмида юза келган ноҳуш касалликларни авж

олишига, суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолати ёмонлашишига, тупрок дегредациясига ва эрозиясига сабабчи бўлмоқда. Бундан кўриниб турибдики табиат қонунларининг барчасига нисбатан эътиборли бўлиш ҳамда табиатдан фойдаланиш вamuҳофаза қилиш жараёнларида уларни эътиборга олиш лозим. Табиат билан жамиятнинг ўзаро алоқаси ва унинг геоэкологик ҳолатга таъсирини таҳлил қилишда қуйидаги табиат қонунларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

Адирларни ўзлаштирилиши ва дарёларнинг юқори террасаларида суғоришнинг ривожлантирилиши, қуйи террасаларда грунт сувлари сатҳининг кескин кўтарилиб кетишига сабаб бўлади. Юқори юзаларда ирригация тараққиётини режалаштириш жараёнида унинг қуйи террасалардаги оқибатларини, яъни сабаб-оқибат занжирини тўғри ҳисобга олиш жоиз, акс ҳолда номақбул жараёнларнинг ҳудудий шаклланиши кузатилади.

Ўз навбатида ҳар хил ресурслар хўжаликнинг тараққиётига сезиларли таъсир этади. Аксинча, табиий шароитнинг бир хил бўлиши ресурсларнинг ҳам камбағал ва кам турда бўлишига олиб келади. Дарвоқе, ҳудуднинг ресурслар эвазига ривожланиши сушт кечади.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бу қонунга асосланиши айна муддао. Одатда, табиий комплекслар барча компонентларининг ўзаро боғлиқлик хусусияти, улардан бирининг ташқи таъсир натижасида ўзгариши билан қолган компонентлар ҳам “акс-садо” тизимида ўзгаришга мойил бўлади. Бу ҳодиса оқибатда табиий комплекснинг ўзгаришига олиб келади. Бунинг натижасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар кўпинча салбий натижа билан тугайди. Демак, компонентларнинг ўзаро боғлиқлик хусусияти ресурсларни муомалага киритишда субъектнинг диққат-эътиборида бўлиши лозим.

Барқарор ландшафт унинг ресурсларидан фойдаланиш чоғида ўз структурасини ўзгартирмай ривожланиш йўлида бўлади. Бунга унинг ўз-ўзини тозалаш ва тикланиш қобилиятлари ёрдам беради. Тозаланиш одатда

табiiй комплекснинг инсон хўжалик фаолияти жараёнида ифлосланишга берилмаслиги ёки ифлосланганда ҳам тез муддатда ўз-ўзини тозалаш тушунилади.

М.А.Глазовскаянинг (1988) уқтиришича, агарда ландшафт техноген чиқиндилардан тозаланиш хусусиятига эга бўлса, у ҳолда бу ландшафт барқарорлик хусусиятига эга бўлади. В.С.Преображенский ва бошқаларнинг (1988) таъкидлашича, ландшафт инсон хўжалик фаолияти таъсирида ўзгариб, ўз структурасини ўзгартирса, лекин ушбу таъсир маълум вақтдан кейин тўхтаганда, у яна аввалги структурасини тиклай олса, бу ландшафт ҳам барқарор ҳисобланади. Бироқ табиатда бундай ландшафтлар кам учрайди. Бинобарин, ландшафт ресурслари хўжалик муомаласига киритилганда унинг бу хусусиятига алоҳида аҳамият бериш лозим, чунки, структуранинг бузилиши нафақат табиий шароит, балки, унинг бойлигига ҳам жиддий путур етказди.

Табиатдан фойдаланиш геотизимларни ўзгарувчанлик хусусиятига боғлиқ, чунки уларнинг беқарорлиги мавжуд бойликларнинг ишлатилишини мураккаблаштиради, камбағал-лаштиради. Бундай вазиятда ҳудудда эҳтиёткорлик чораларини кўриш лозим, яъни геотизимларнинг ресурсларини муомалага киритиш жараёнида уларнинг ўзгариш даражаси нечоғлиқ паст бўлишига ҳаракат қилиниши самарали натижа беради. Кучли ўзгарган ландшафтларнинг бойликлари ҳам шунга мувофиқ камайиб боради ҳамда уларнинг ўз-ўзини бошқаруви ҳам сусайиб кетади, шунингдек инсон томонидан кўрсатиладиган бошқарувга қарам бўлиб қолади.

Ҳар бир ландшафт ўзининг структурали динамик ҳолатига мувофиқ маълум ўзгариш ёхуд тараққиёт йўналишида бўлади. Бунда айталик, тупроқ эрозияси ёки шўрланиши, камбағаллашуви ва бошқалар ривожланиши кузатилса, ресурслардан фойдаланиш жараёнида ушбу номақбул ҳодисаларни олдини олиш, албатта, диққат марказда бўлиши, ишлаб чиқаришни узлуксиз хом ашё билан таъминлашни кафолатлайди. Орол денгизи сатҳининг тушиб бориши туфайли Амударё дельтасида кучли тарзда

чўллашиш ривожланаётган бир фурсатда ушбу ҳодисанинг олдини олиш тадбирларини қўллаган ҳолда яйлов ёки ер ресурсларидан фойдаланишга киришиш мумкин. Ёки мазкур (Наманган) вилоят тоғ олди ҳудудидаги ерлардан суғорма деҳқончиликда фойдаланиш бошланган тақдирда энг аввал эрозияни олдини олувчи чоралар негизида ер ўзлаштиришга киришиш лозим.

Табиий муҳитнинг инсон омили таъсирида ифлосланиш даражасини ҳисобга олиш, бойликлардан фойдаланиш жараёнида эътиборга лойиқ. Ҳудуднинг турли чиқиндилар билан ифлосланиши, шунингдек унинг кашшоқлик тоифаси бойликларни муомалага киритишда мезон вазифасини ўтайди. Бундай вазиятда аввало ландшафтнинг қандай гуруҳдаги технологик чиқиндилар билан ифлосланганлиги устувор аҳамиятга эга, хусусан оғир металллар, нефт маҳсулотлари, органик бирикмалар, радиация элементлари (радионуклидлар) ва бошқалар билан ифлосланганлиги аниқланиши лозим. Шунга қараб уларни тозалаш ва бартараф қилиш йўллари изланади. Одатда ҳудуд техноген ёки биоген ва бошқа чиқиндилардан обдан ҳоли қилингандан сўнг ресурслар муомалага киритилиши иқтисодий самарадорликни таъминлайди.

Ўтган асрнинг охирларидан бошлаб бошқа фанлар сингари география фанида ҳам экологиялашув жараёни юз берди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган экологик муаммолар Республикамиз ҳудудида табиий шароит ва уларнинг антропоген таъсирга берилувчанлик даражаси, табиат қонуниятлари ҳамда антропоген таъсир даражасига боғлиқ ҳолда мураккаб тарзда акс этади. Бу эса Республикамизда барқарор ривожланишни таъминлаш учун мамлакатимиз ҳудудини экологик хавф-сизлик жиҳатдан раёнлаштириш зарарияти мавжудлигини кўрсатади. Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки, ҳудудларни экологик хавф-сизлик жиҳатдан раёнлаштириш жамиятни барқарор ривожланишини таъминлаш учун ҳар бир ҳудудга тегишли стратегик тадбирлар тиз-имини ишлаб чиқиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Abduganiev O. I., Turdiboyeva S. Estimation of ecological-economic condition of territories (on the example of Ferghana regions) // Экономикаи социум. – 2019. – №. 5
2. ҚЎЗИБОЕВА, О., & ХАМИДОВА, Н. ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ЖИХАТДАН РАЙОНЛАШТИРИШИ. Бахтинур АБДУЖАББОРОВ.
3. Қўзибоева О.М., Ҳамидов А.А. Фарғона водийсида табиий географик районлаштириш ишларини такомиллашуви // Янги ланаётган Ўзбекистонда география: фан, таълим ва инновация. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2021. -Б. 80-84.
4. Қўзибоева О., Исроилова О. Иқлим ўзгариш шароитини Жанубий Фарғона дарёларининг сув режимига таъсири // Комплекс географик тадқиқотлар: инновация ва амалиёт. Республика илмий-амалий конференцияси. – Андижон, 2022. -Б. 32-35.
5. Қўзибоева О., Назаров Х., Исроилова О. Жанубий Фарғона иқлим кўрсаткичлари ва ер ости сувлари динамикасини ландшафтларга таъсирини тадқиқ этиш // Комплекс географик тадқиқотлар: инновация ва амалиёт. Республика илмий-амалий конференцияси. – Андижон, 2022. -Б. 29-31.
6. Хўжаев В., Қўзибоева О. Географическая оценка природной среды // Борбордук Азиядагы эл аралык мамилелердин, гуманитардык жана табиғый илимдердин актуалдуу проблемалары: учурдагы абалы жана келечектери. Международная конференция. – Ош (Кыргызтан), 2019. - С. 317-321.
7. Кузибоева О.М., Хамедов А. Развитие географических основ для оптимизации геоэкологических ситуаций юго-западной Ферганы //

- Экономика и социум. №1(92), 2022. -Б. 2-6. (11.00.00; Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари нашрлари №11).
8. Қўзибоева О.М. Фарғона ботиғи ландшафтларини замонавий усулларда тадқиқ этиш ҳамда улар асосида ландшафтлардаги ўзгаришларни баҳолаш // Фан ва жамият. 3-сон. –Нукус, 2021.-Б. 32-34. (11.00.00; Миллий нашрлар №10).
 9. Қўзибоева О., Расулов Э. Фарғона ботиғини геоморфологик тузилишини ўрганиш // Фан ва жамият. 3-сон. – Нукус, 2021. -Б. 34-36. (11.00.00; Миллий нашрлар №10).
 10. Қўзибоева О. // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. №3/1/1-сон. –Тошкент, 2021. -Б. 216-218. (11.00.00; Миллий нашрлар №7).
 11. Қўзибоева О., Ҳамедов А. Жанубий-ғарбий Фарғона ландшафтларини тадрижий ўзгариши билан иқлимий кўрсаткичларни ўртасидаги боғланишлар // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. №3/1/1-сон. Тошкент, 2021 -Б. 282-284. (11.00.00; Миллий нашрлар №7).
 12. Qo‘ziboyeva O., Sobirova N.Farg‘ona vodiysi landshaftlarining rivojlanish tendensiyasini o‘rganilish tarixi // Samarqand davlat universiteti ilmiy tadqiqotlar axborotnomasi. – Samarqand, 2021, 5-son. -B. 74-77. (11.00.00; Milliy nashrlar №4).
 13. Қўзибоева О. Худуд ландшафтлари тадрижий ўзгаришлари билан иқлимий кўрсаткичларининг ўртасидаги боғланишлар таҳлили // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. №3/2-сон. –Тошкент, 2021. -Б. 184-186. (11.00.00; Миллий нашрлар №7).
 14. Мелиев Б., Қўзибоева О. Ландшафтларни тадқиқ этишнинг замонавий усуллари // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. №3/2. Тошкент, 2021. -Б. 195-197. (11.00.00; Миллий нашрлар № 7).
 15. Qo‘ziboyeva O., Meliev B., Do‘sbekov S. Farg‘ona vodiysi janubiy-g‘arbiy qismidagi o‘simliklar dinamik (fenologik) o‘zgarishining landshaft indikatsion tahlili // Samarqand davlat universiteti ilmiy tadqiqotlar

- axborotnomasi. – Samarqand, 2021. 3-son.-B. 108-113.(11.00.00; Milliy nashrlar №4).
- 16.Kuziboyeva O. Landscape – Land reclamations approach in the study of conical landscape complexes // The American Journal of Applied Sciences.2020. SJIF:5.276. -P. 1-6. (Йирик нашриётлар ва маълумотлар базасига эга нашрлар. CrossRef №35, Journal Impact Factor №2).
- 17.Kuziboyeva O. Issues of optimization of geocological situation in Fergana Valley // Multidisciplinary Peer Reviewed journal. Volume 6, Issue 11, 2020. -P. 445-450.(Йирик нашриётлар ва маълумотлар базасига эга нашрлар.Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor №16).
- 18.Khamidova N. N. Speech exercises as a necessary component of the formation of the communicative personality of students in teaching foreign languages”. Английский язык в сфере профессиональной Коммуникации vii всероссийская молодежная научная конференция Kazan. 2021
- 19.Sevinch, N. (2022). ANALYSIS OF TRANSLATION PROBLEMS OF ENDEARMENT TERMS. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIIY JURNALI, 359-362.
- 20.Raskhodova, I. A., and N. N. Khamidova. "THE ORIGIN OF THE CATEGORY OF INTENSITY IN LINGUISTICS AND STAGES OF ITS DEVELOPMENT." In ПРИКЛАДНАЯ ЭЛЕКТРОДИНАМИКА, ФОТОНИКА И ЖИВЫЕ СИСТЕМЫ -2021, pp. 549-551. 2021.\
- 21.Raskhodova, I. A., and N. N. Khamidova. "FEATURES OF PHRASEOLOGICAL UNITS IN LINGUOCULTURE." In Современные проблемы филологии, педагогики и методики преподавания языков, pp. 140-142. 2020.
22. Khamidova, N. N. Effectively engaging text as a basic unit of communication in EFL in learner centered classroom / N. N. Khamidova, I. A. Raskhodova // Английский язык в сфере профессиональной

коммуникации : Сборник тезисов докладов VII Всероссийской молодежной научной конференции, Казань, 15 ноября 2021 года. – Казань: ИП Сагиева А. Р., 2021.– Р. 136-137. – EDN OFMMJB.